

Anvarjon KANDAHAROV,

*Navoi state pedagogical institute, doctor of philosophy
PhD, docent of the department of «National ideology and
the fundamentals of spirituality»*

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ НАҚШБАНДИЯ ВА ЯССАВИЯ ТАРИҚАТЛАРИГА ОИД ҚАДАМЖОЛАР

СВЯЩЕННЫЕ МЕСТА НАҚШБАНДИЯ И ЯССАВИЯ В НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

SACRED PLACES OF NAKKSHBANDIA AND YASSAVIA IN NAVOI REGION

Калит сўзлар: тасаввуф, хонақоҳ, мақбара, тариқатлар, деггарон, шайх, азизон, ота, тазкира.

Ключевые слова: суфизм, ханакаҳ, мавзолей, тариқаты, деггарон, шейх, азизан, ота, тазкира.

Key words: sufism, khanakah, mausoleum, tarikat, deggaron, sheikh, azizan, ata, tazkira.

Республикамиз вилоятлари ичида майдони жиҳатидан энг йириги бўлган Навоий вилояти ҳам ўзига хос қадимий тарихига эга бўлиб, бу ерда инсониятнинг илк ажодлари маданиятига оид кўплаб топилмалар мавжуд. Вилоят худудининг асосий қисми бепоён Қизилқум саҳроси кенгликлари билан иборат. Бу худудлар ўзининг саноати ва бой маъданлари билан қадимги даврлардан буён халқимиз учун хизмат қилиб келмоқда. «Азим Зарафшон воҳасида, беҳисоб табиий бойликлар макони бўлган Қизилқум минтақасида жойлашган Навоий вилояти, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимизнинг дуру жавахирлар хазинасидир» [4; 111 б], ёки вилоят тарихи хусусида «Навоий вилояти бой маданий ва тарихий ёдгорликлари билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Айниқса, Кармана шаҳри, Қосим Шайх макбараси, Работи Малик ёдгорлиги, Қизилқум бағридаги тош ўрмон, Сармишсойдаги тошга ўйилган қадимий расмлар – буларнинг барчаси вилоятнинг кўҳна тарихи ва маданиятидан далолат беради» [4; 119 б], – деб айтилган фикрлар аини ҳақиқатдир.

Бугунги кунда Навоий вилояти худудида жами 230 дан ортиқ маданий мерос объектлари рўйхатга олинган бўлиб, шундан меъморчилик иншоотлари 63 та, археология иншоотлари 121 та, монументал иншоотлар 48 тани ташкил этади. Кармана туманининг ўзида эса республика миқёсидаги тўртта, маҳаллий ҳокимиятларга тегишли бўлган 15 та та-

рихий ёдгорлик бор. Бундан ташқари 15 та монументал санъат асари мавжуд [11; 69 б].

Археологик қазилмалар натижасида Навоий вилояти худудидан инсониятнинг энг қадимги цивилизациясига оид кўплаб тарихий ашёлар топиб ўрганилган. Буларни ушбу худудда яшаган улуг алломалар, тариқат пирлари ва уларнинг қадамжолари тарихи билан боғлаш мумкин. Уларнинг маънавий меросларини ўрганиш бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан миллий қадриятларимиз ва тарихий меросларимизни асраб-авайлаш ва тадқиқ этиш борасида олиб борилаётган жараёнлар билан ҳам узвий боғлиқ десак янглишмаймиз.

Халқимизнинг ўтмиши, миллий-маънавий мероси, урф-одат ва анъаналарига юксак ҳурмат кўрсатилиб, бизга номаълум бўлган ноёб қўлёзма асарлар, тарихий ёдгорликлар тадқиқотчи олимларимиз томонидан кенг ўрганилмоқда. Бу каби ишлар халқимизнинг ва асосан, ўсиб келаётган ёш авлоднинг дунёқарашида, шаклланишида ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Президент Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 14 июлда қабул қилинган «Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида [10]» ги Фармойишида ҳам алломанинг буюк ҳаёти ва фаолиятини, қолдирган бой илмий-диний меросининг гуманистик моҳиятини чуқур ўрганиш, шу асосда халқимизни, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Барчамизга маълумки, Марказий Осиёда XIV асрда пайдо бўлган нақшбандия тариқати Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд номи билан боғлиқ. Саййид Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳижрий 718, милодий 1318 йил Бухородан 12 чақирим наридаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида қосиб оиласида дунёга келади. Баҳоуддин у кишининг фахрий номлари бўлиб, маъноси диннинг нури, динга равшанлик берувчи демакдир.

Тасаввуф илмига оид асарлар ва тарихий китобларда қайд этилишича, бугунги Навоий вилояти худудига тегишли манзилларда тасаввуф тариқатларининг кўплаб машҳур алломалари яшаб фаолият юритишган. Хусусан, бугунги Навоий вилояти Кармана туманига қарашли Ҳазора қишлоғида XIV асрда яшаган йирик тасаввуф алломаси Мавлоно Ориф Деггаронийдир. Мавлоно Ориф Деггароний нақшбандия тариқатида пирлик мақомига етган соҳиби қароматлардан ҳисобланиб, Амир Кулолнинг асхобларидан бўлиб, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий устози саналган. Манбаларда

Мақолада Навоий вилояти ҳудудида яшаб, ўрта асрлар Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётига сезиларли таъсир ўтказган нақшбандия тариқати алломаларидан Мавлоно Ориф Деггароний (я тариқати шайхларидан Саййид Ота (1318–1390), Бадр Ота (XIV аср), Ҳазрат Қосим Шайх Азизон (1500–1578) каби авлиёларнинг ҳаёти ва фаолияти, мамлакат ижтимоий-маданий ҳаётида амалга оширган тадбирларидан баъзи лавҳалар акс эттирилган. Шунингдек, ушбу алломалар фаолиятининг асосини ташкил қиладиган тариқатларни ривожлантириш, шогирдлар масаласи ва тариқатдаги силсиласига оид маълумотлар, уларнинг диний қарашлари, замона ҳукмдорлари билан ўзаро муносабатлари тўғрисида тарихий манбалар ва архив ҳужжатларига асосланган маълумотлар келтирилган. Ҳаёти ва фаолияти ўрганилган тасаввуф алломаларининг Навоий вилояти ҳудудида жойлашган муқаддас қадамжолари, масжид, хонақоҳларининг қурилиш тарихи, жойлашган ўрни ва бугунги кундаги ҳолатига оид маълумотлар таҳлил қилинган.

В статье отражается жизнь и деятельность ученых-святых учения Накшбандия Мавлана Ариф Деггарани (1313–1375), Ходжа Хусрава (XIV в), Шейха Нуриддина (XIV в) и шейхов учения Яссавия Саййида Ата (1318–1390), Бадр Ата (XIV в), Хазрат Касим Шейха Азизон (1500–1578), проживавших на территории нынешней Навоийской области и оказавших значительное влияние на общественно-политическую и духовную жизнь Центральной Азии в средние века, а также представлены некоторые фрагменты из осуществленных ими деятельности в общественно-культурной жизни страны. А также даются основанные на исторических источниках и архивных документах сведения о развитии тариқата, составляющего основу деятельности этих ученых, об их религиозных взглядах и взаимоотношениях с правителями. Анализируются сведения об истории строительства, месторасположении и нынешнем состоянии расположенных на территории Навоийской области святынь, мечетей и молельных учений суфизма.

This article reflects the life and work of the scholars of the Naqshbandiya doctrine of Mavlana Arif Deggarani (1313–1375), Khodja Khusrav (XIV c.), Sheikh Nuriddin (XIV c.) and the sheikhs of Yassaviya Sayyid Ata (1318–1390), Badr Ata (XIV c.), Hazret Kasim Sheikh Azizon (1500–1578), who lived in the territory of the current Navai region and had a significant influence on the socio-political and spiritual life of Central Asia in the Middle Ages, and also presents some fragments from their activities cultural life of the country.

It also provides information based on historical sources and archival documents on the development of the tariqat, which forms the basis of the activities of these scholars, their religious views and relations with the rulers. Information on the history of construction, location and the current state of shrines, mosques and chapels of Sufism scholars located on the territory of Navai region is analyzed.

кайд этилишича, Саййид Амир Кулолдан Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд билан бирга машхур мутасаввуф аллома Мавлоно Ориф Деггароний ҳам таҳсил олган. Деггароний Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд билан ҳамнафас, тенгдош ва дўст бўлиб, у киши тахминан 1313–1375 йиллар оралиғида яшаб ўтганлар [5; 78 б].

Амир Кулол тарбиясини олган Мавлоно Ориф Деггароний кейинчалик Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбандга устозлик қилиб, етти йил мобайнида унинг тарбияси билан шуғулланган. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳам ўз навбатида Мавлоно Ориф Деггаронийни жуда ҳурмат қилган, унга беҳад иззат-икром ва илтифотлар кўрсатган. У кишининг қароматлари ва мақомоти хусусида бир қанча тарихий манбаларда қимматли маълумотлар учрайди. Жумладан, Саййид Муҳаммад Носируддиннинг «Тухфат аз-зоирин» («Зиёратчиларга совға»), Фаририддин Атторнинг «Тазкират-ул-авлиё», Фахриддин Али Сафийнинг «Рашахоту айнил-ҳаёт» (обиҳаёт томчилари), Муҳаммад Бокирнинг «Мақомоти шоҳи Нақшбанд», Абдурахмон Жомийнинг «Нафосат ул инс», Хожа Шаҳобиддиннинг «Мақомоти Мир Кулол», Бадриддин Кашмирийнинг «Равзат ар-ризвон» (XVI аср), Хусайн Ас-Сарахсийнинг «Манокби Саъдия» (XVI аср) каби

асарларида Мавлоно Ориф Деггаронийнинг нақадар мўътабар ва улуғ зот эканлиги зикр қилинади. Ушбу тарихий қўлёзма манбалар асосида Мавлоно Ориф Деггаронийнинг ҳаёти ва фаолияти кейинги пайтларда маҳаллий ва хорижий тадқиқотчи олимлар тамонидан кенг ўрганилиб, қатор монография, рисолалар нашр этилди.

Мавлоно Ориф Деггаронийнинг фаолияти, туғилган жойи ва шу номдаги Деггарон масжиди хусусида Б.Н. Запискин, Г.А. Пугаченкова, В. А. Нильсен, В.А. Шишкин каби олимларнинг китоб ва рисолаларида ҳам баъзи маълумотлар қайд этиб ўтилган. Бу манбаларда Мавлоно Ориф Деггароний туғилган ва рихлат топган Ҳазора мавзеси, шайхнинг қабри ва у ердаги қадимий масжид тўғрисида ҳамда бу жойларда олиб борилган археологик ишлар ҳақида маълумотлар мавжуд [12].

Шунингдек, қатор хорижий мамлакатларнинг тарихчи олимлари Туркистоннинг улуғ алломалари ҳаёти ва фаолиятини ўрганар эканлар, Мавлоно Ориф Деггаронийга ҳам алоҳида эътибор берганлар. Жумладан, немис олими Jurgen Paulнинг «Doctrine and Organization: The Khwajagan Naqshbandiya in the first generation after Bahauddin» (Berlin, 1998) номли китобида кўплаб Марказий Осиёлик нақшбандия тариқати вакиллари

номи тилга олиниб, улар орасида Мавлоно Ориф Деггароний ҳам эслатиб ўтилади. Хусусан, асарда Хожа Баҳоуддин Нақшбандийнинг тариқатдаги силсилалари тўғрисидаги маълумотлар келтирилганда Амир Кулолдан сўнг Мавлоно Ориф Деггаронийни силсила давомчиси сифатида кўрсатади [13; 55 б].

Мавлоно Ориф Деггароний Баҳоуддин Нақшбандга устозлик қилган. «Мақомати шоҳи Нақшбанд» китобида ёзилишича, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд Ҳазрат Сайид Мир Кулолдан ижозат олгандан сўнг, етти йил Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний хизматларида бўладилар» [7; 174 б].

Сайид Муҳаммад Носирнинг «Тухфат уз-зоирин» асарида: «Мавлоно Ориф Амир Сайид Кулолнинг аввал ўтган халифаларидан бўлиб, у Бухоридан 9 фарсанг нарида, Кўҳак (Зарафшон) дарёсининг бўйида, Ҳазора қасабасида, Деггарон даҳасида Хожа Аҳмад Мисгар оиласида туғилган», деб айтилади. Шунингдек, Сайид Амир Кулол айтган эдилар: «Менинг ёронларим орасида мана шу икки киши, яъни Хожа Баҳоуддин ва Мавлоно Ориф Деггаронийга ўхшаган ҳеч ким йўқ» [1; 49 б].

Баҳоуддин Нақшбанднинг Ҳазорада, Мавлоно Ориф Деггароний хизматида бўлган кезлари манбаларда қуйидагича келтирилади: «Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ўша нафас туфайли етти йил Мавлоно Ориф Деггаронийнинг хизмати ва мулозаматида бўлдилар. Бу мулозаматда хилма-хил риёзат ва жидду жаҳдни ўз бўйниларига олдилар. Деггарон ва унинг атрофларида юрдилар. Кўп вақтлар Мавлоно Ориф билан бирга Работи Малик курилишида мардикорлик қилдилар» [1; 50 б].

Айрим ривоятларда келтирилишича, буюк пир Сайид Амир Кулолнинг тўрт нафар ўғиллари бўла туриб, 1372 йили бандаликни бажо қилаётганда қабрга ўнг томондан Мавлоно Ориф, чап томондан эса Баҳоуддин Нақшбанд қўйишини васият қилади. Тахминан 1375 йилда вафот этган Мавлоно Ориф Деггароний ҳам қабрга ўз ўғли эмас, Баҳоуддин Нақшбанд қўйишини ва қабри бошидан уч кун жилмаслигини васият қилади. Бу васият Баҳоуддин Нақшбанд томонларидан тўлалигича адо этилади.

Бугунги кунда Ҳазора қишлоғида Мавлоно Ориф Деггароний мажмуаси жойлашган бўлиб, қабр худди Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг қабри каби мармар тошлар билан сайқалланган ва обод зиёратгоҳлардан бирига айлантирилган.

Нақшбандия тариқатининг яна бир машҳур уламоларидан, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд билан бир замонда яшаб, унинг эътиборли шогирдлари қаторида бўлган **Хожа Хусравдир**. У кишининг туғилган ва вафот этган санаси аниқ бўлмаса-

да, манбаларда Хожа Баҳоуддин билан ҳамсухбат бўлиб, унинг мажлисларида иштирок этганлиги айтиб ўтилади. Садриддин Салим Бухорийнинг «Дурдона тариқатлар», Муҳаммад Муҳсин Боқир ибн Муҳаммад Алининг «Баҳоуддин Балогардон» ҳамда «Мир Кулол ва Шоҳи Нақшбанд мақомотлари» каби китобларда айрим ривоятлар, тарихий воқеалар келтириб ўтилади. Масалан, «Мақомоти Шоҳи Нақшбанд» китобида Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳамда Хожа Хусрав Карминийнинг ўзаро мулоқотлари тўғрисида қуйидаги нақл келтирилади: «Ҳазрат Хожамиз (Баҳоуддин Нақшбанд) Карманада эдилар. Шайх Хусрав уларнинг хизматларида турган ва қаттиқ хушҳол ҳолатда эди. Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд) у томонга қараб: «Қилолмайсан» дедилар. У киши (Хожа Хусрав) деди: «Завқдан оламга сиғмай турган вақтимда ўзимча ўйладимки, Ҳазрати Рисолатпаноҳ саҳобаларнинг уйларида келган вақтларида саҳобалар ҳар хил фидоликлар ва қурбонликлар қилар эдилар, менинг ҳеч нарсам йўқ, фақат битта фарзандим бор ҳолос, фарзандимни уларга фидо қилсам». Шунда Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд) «қилмайсан!» дедилар. «Нақл қилишларича бир куни Шайх Хожа Хусрав Ҳазрат Баҳоуддин ҳузурларида илтижо қилиб арз қилдилар: Ҳаромком (Зарафшон) суви гоҳи Кармана анҳори бошланишини ювиб кетиб, яна қайтадан анҳорни қовлашга тўғри келаяпти, бундан халққа қаттиқ ташвиш етмоқда. Шу куни яна уни вайрон қилай деб турибди. Яна йўлтўсарлардан Кармана аҳлига кўп ташвиш етмоқда», – дейди. Шунда Ҳазрат Хожа (Баҳоуддин Нақшбанд) дедилар: ҲЭнди Ҳаромком суви тошиб, Кармана анҳорини вайрон қилмайди. Йўлтўсарлар энди Кармана аҳлига ташвиш келтирмайди». Бу сўзлар у кишининг муборак оғизларидан чиққан кунлари подшоҳдан «Йўлтўсарлар Кармана аҳлига зиён келтирмасин» деган ҳукм эълон қилинди [1; 141 б]. Ушбу асарда шу кундан бошлаб Кармана аҳли тинч ва осойишта ҳаёт кечирганлигига ишора қилинади. Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Ҳазрати Хожа Хусравнинг Баҳоуддин Нақшбандга жуда ҳам ихлоси баланд бўлган. Бугунги кунда Хожа Хусрав мақбараси ҳам Навоий вилоятидаги муҳим туристик зиёратгоҳлардан бири ҳисобланади.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг яна бир карманалик шогирдларидан **Шайх Нуриддин** деган киши бўлиб, у ҳам XIV асрда яшаб ўтган нақшбандия тариқати пешволаридан саналган. Манбаларда Ҳазрат Шайх Нуриддиннинг яшаб вафот этган санаси тўғрисида аниқ маълумотлар учрамасада, у киши ҳақида келтирилган ривоятлар юқоридаги

фикрни тасдиқлайди. Фахриддин Али Сафийнинг «Рашоҳату айнил ҳаёт» китобида қуйидаги фикрлар келтирилади: «Махфий қолмасунким, хизмати Амир Ҳамзага бу азизларданким, зикрлари ўтди, бошқа асҳоблар ҳам бор экан, мисли Шайх Умар Сўзангар Бухорий ва Шайх Аҳмад Хоразмий, Мавлоно Атауллоҳ Самарқандий ва Хожа Маҳмуд Ҳаммўйи ва Мавлоно Ҳамидуддин ва Мавлоно Нуриддин ва Мавлоно Саййид Аҳмад – бу учлари Карминада турурлар... ва булардан ўзга асҳобларким ҳаммалари фозили комил эрдилар. Аммо вақтеким, оларнинг ҳолларидан бир нимарса эшитилган нақл масмуъ ва маълум бўлгани йўқ эрди, ҳар бирларининг зикри алоҳида ирод топмади» [9; 73 б]. Тарихдан маълумки, Амир Ҳамза Ҳазрати Амир Қулонинг иккинчи фарзанди бўлиб, Мавлоно Ориф Деггаронийнинг шогирдларидан ҳисобланади. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, Мавлоно Шайх Нуриддин Амир Ҳамзанинг шогирдларидан бири бўлган. Бу эса Мавлоно Шайх Нуриддиннинг XIV асрда яшаб ўтган тасаввуф алломаси эканлигидан далолат беради. Ҳазрат Шайх Нуриддиннинг қабри Қосим Шайх Азизон мақбарасидан 200 метр шимоли-ғарбда жойлашган. Қабр устига мақбара ўрнатилган.

Тарихий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, Навоий вилояти ҳудудида нақшбандия тариқати вакиллари билан бир даврда кўплаб яссавия тариқати вакиллари ҳам яшаб фаолият юритган. Бу фикрни Қосим Шайх Азизон (1500–1578) ва Шайх Худойдод Валий (1461–1532) ва уларнинг кўплаб муридлари бўлганлиги ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, Кармана Миёнқоли ва унинг чегара ҳудудларида Хожа Аҳмад Яссавий ва яссавия тариқатига тааллуқли жойлар, номлар ва тушунчалар кўплаб учрайди. Жумладан, бугунги Навбаҳор тумани Қаҳрамон кишлоғида Аҳмад Яссавий зиёратгоҳи мавжуд бўлиб, бу ерда унинг рамзий қабри ҳам бор [11; 81 б]. Шу атрофларнинг халқ тилида Туркистон деб аталиши ҳам фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Кармана (бугунги Навоий вилояти ҳудуди) ва унинг атрофларида нақшбандия тариқати вакиллари билан бирга кўплаб яссавия тариқати вакиллари ҳам яшаб фаолият юритди. Яссавия тариқати вакиллари асосан бу ҳудудларга Хоразм ва Бухоро томонлардан келиб ўрнашганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Чунки бунда бир тарафдан ўша даврларда Хоразм ва Бухоро воҳасида юз берган сиёсий нотинчликлар ва айрим замона ҳукмдорларининг яссавийларга нисбатан эътирозлари сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан шайбоний Абдуллахон II нинг яссавия тариқати билан яқин муно-

сабатда бўлиши ва унинг Карманага Бухоронинг иккинчи пойтахти сифатида эътибор қаратиши ҳам бу ерда фаолият юритишига имконият яратди.

Тасаввуф тарихи ва моҳиятига бағишлаб ёзилган кўплаб манбаларда «Ота» ва «Азизон» атамалари бевосита яссавия тариқатига мансуб шайхларга нисбатан қўлланилган. Бугунги Навоий вилояти ҳудудида ҳам «ота» номи билан боғлиқ жойлар кўплаб учрайди. Масалан: Сабр ота (Хожа Савр), Қалқон ота, Оқ ота, Қилич ота, Кавкабий ота, Полвон ота, Занги ота, Авлиё ота, Ғойиб ота, Имом Баҳра ота, Саййид ота, Бадр ота, Қарнаб ота ва ҳоказо. **Саййид ота** зиёратгоҳи ҳозирги Хатирчи тумани Боғчақалон кишлоғида жойлашган бўлиб, бу кишининг сифатлари ва яссавия тариқатидаги силсиласи «Ламаҳот» асарида айтиб ўтилади. Асарда келтирилишича, Саййид отанинг асли исми Саййид Аҳмад бўлиб, 1318–1319 йилларда Хоразмда туғилган ва ўн тўрт ёшларида Бухорога келиб, мадрасада таълим олган. Узун Ҳасан ота, Саййид ота ва Бадр оталар Бухорога келиб бир хонадонда туриб дарс ўқишган. Кейинчалик тақдир тақозоси билан шарққа томон силжиб, Кармана Миёнқолига келиб яшайди ва 1380–1390 йилларда бу ерда бир масжид барпо этади. Бу масжид бугунги кунда «Оқмасжид» номи билан аталиб, мустақиллик йилларида обод зиёратгоҳга айлантирилди [11; 82 б]. Шунингдек, «Ламаҳот» асарида яшаб ўтган йиллари номаълум ва ҳаёт фаолияти Кармана билан боғлиқ бўлган яна бир Шайх Саййид Аҳмад исмли тасаввуф алломаси тўғрисида ҳам маълумот берилган. Унда Шайх Худойдод Валий ва Шайх Саййид ота мулоқотлари тўғрисида шундай дейилган: «Шайх Саййид Аҳмад Бухородан Самарқандга келишларида йўлда ёмғир ёғиб, сўфилар кўп азоб чекишган. Ўша пайт Ҳазрат Шайх Худойдод Карманада турган эдилар. Ёмғирда ҳўл бўлган ҳолда Ҳазрат Худойдод уйларида ташриф буюрибдилар. Ўша замонда Абдуллахоннинг бобоси Жонибек султон Ҳазратга ихлосмандлиги жиҳатидан бир нафис гилам ҳадя қилган экан. Хонақоҳга шу гилам тўшаб қўйилган эди» [14; 68-69 б]. Ушбу маълумотларнинг таҳлили жараёнида ва Шайх Худойдонинг Карманада бўлган йиллари (1480–1485) ва Жонибек султоннинг яшаган йиллари нуқтаи назаридан келиб чиқиб XV–XVI асрларда ҳам Шайх Саййид Аҳмад исмли яссавия тариқатининг кўзга кўринган вакили яшаб ўтганлиги маълум бўлади. Ҳазрат Бадр ота тўғрисида Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» асарида ҳам кенгрок маълумотлар берилган [15; 86 б].

Бадр ота (вафоти тахм. 1336–1337 йиллар) «Ламаҳот»да келтирилишича, Занги отанинг тўртинчи халифаси бўлиб, яссавия тариқатининг етук

пирларидан ҳисобланган. Ҳазрат Бадр отанинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида кўплаб тарихий асарлар ва таъкиротларда маълумотлар келтирилади. Жумладан, «Темурнома» асарида Ҳазрат Бадр ота қабрини Тошкентдан тўрт тош йўллик Куйик номли мавзеда деб кўрсатади. Ҳақиқатдан ҳам Тошкент вилоятининг ҳозирги Зангиота туманида Бадр ота номли қабр ҳам мавжуд. Лекин айрим тарихий асарларда ва таъкиротларда Бадр отанинг қабри қадимги Миёнқолда деб кўрсатилган. Таъкиротларда келтирилишича, Бадр ота ҳақида маълумот берувчи энг ишончли манба Тоҳир Эшоннинг «Тазкираи Тоҳир Эшон» асаридир [9; 69 б]. Ушбу асарда 31 нафар шайхларнинг таржимаи холи ҳақида маълумотлар берилди. Ушбу асарда таъкидланишича: «Бадр отанинг қабрлари Миёнқўл отлиғ мавзедадир ва фақир Муҳаммад Тоҳир Бадр отанинг қабрларини зиёрат этдим. Қорача аҳли хўжалари ҳазратнинг авлодларидир» [12; 91 б], – деб маълумот беради.

Бугунги кунда Навоий вилоятининг Хатирчи тумани Қорача қишлоғида Бадр ота қабри мавжуд бўлиб, қабр устига мақбара ҳамда унинг ёнида тахминан 15 метр баландликдаги минора ҳам ўрнатилган. Ушбу қабристон қадимий бўлиб, бу ердаги кўплаб қабртошларда ҳам ўз аксини топган. Ҳазрат Бадр отанинг фаолияти ва зиёратгоҳи тарихини таъкирот этиш ва ўрганиш алоҳида масалалардан биридир. Юқорида қайд этиб ўтилган маълумотлардан келиб чиқиб, Ҳазрат Бадр отанинг қабри қадимий Миёнқолнинг Хатирчи музофотидаги Қорача қишлоғида деб хулоса қилиш мумкин [11; 83 б].

Ўрта асрларда бугунги Навоий вилояти ҳудудида яшаган яссавий шайхлардан яна бири Хожа мулло Мавлоно Азизон Нуридир. «Ламаҳот»да Ҳазрат Хожа Мулло Азизон деб кўрсатилган. Мулло Хожа ҳам XVI асрдаги яссавия тариқати вакилларида бўлиб, Шайх Худойдоднинг муриди ҳисобланган. Шайх Худойдод Мулло Хожани кўп ҳурматлаб, ўзининг яқинларидан деб билган. Буни биринчи навбатда илми зиёдалиги ифодаси ва тариқатда пешволардан эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Ҳазрат Қосим Шайх ҳам бир йил Мавлоно Хожа Азизон хизматида бўлиб, у кишидан тариқат сабоғини олганлиги манбаларда қайд этилган. Хожа Мулло Карманада вафот этади, аввал шу ерда дафн этилган, кейинчалик жасади бу ердан олиниб, «Нур» қишлоғига (Нуратога) қайта дафн қилинган [14; 147 б].

Абу Тоҳирхожанинг «Самария» асарида эса: «Мулло Хожа мазори Самарқанд шаҳрининг тағида (ташқарисида), Хожа Абу Дарун мазорининг жануб томонида, маҳалла қишлоғига бориладиган катта йўлнинг яқинидадир. Таржимаи холи белги-

лик эмас» [2;162 б], – деб айтиб ўтилган. Ҳақиқатан, Ҳазрат Мулло Хожанинг тўлиқ ёки аниқроқ таржимаи холини акс эттирувчи манбалар аниқ эмас. Маҳаллий ва оғзаки маълумотлардан ҳам иккала қабрнинг қайси бири асосийси эканлиги тўғрисида аниқ бир хулосага келиш қийин.

Ҳазрат **Қосим Шайх Азизон** яссавия тариқатининг XVI асрдаги машҳур пирларидан бўлиб, ўз даврида Мовароуннаҳрда етакчи диний уламолардан бири сифатида фаолият олиб борган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Қосим Шайх Азизон тахминан XVI аср бошларида Кармананинг Маржонхотин қишлоғида (ҳозирги Навбаҳор тумани) туғилган. Айрим таъкиротларда Маржонхотин қишлоғида ҳазрат Қосим Шайхнинг 20 танобдан ортиқ экин экиладиган ерлари бўлганлиги ҳақида маълумотлар берилган [16;7 б]. Ўрта аср тарихчиси Шарофуддин Роқимийнинг маълумотларида Қосим Шайх Азизон Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида таҳсил олиб, яссавия тариқати шайхлари ҳазрат Мавлоно Вали Азизон Кўҳизорий ва Шайх Худойдодлардан тариқат сирларини ўрганганлиги қайд этилган [17;115 б]. Мавлоно Вали Азизон Кўҳизорий ҳам XV–XVI асрларда Самарқандда яшаган яссавия тариқати вакилларида бири бўлиб, бу ҳақда «Ламаҳот» асари муаллифи қуйидагича маълумот беради: «Ҳазрат Азизон Қосим Шайх талабаликдан то умрлари охиригача Мавлоно Вали суҳбатларида бўлиб, Самарқанддан Кармана вилоятига тез-тез бориб турар эдилар» [14; 80 б].

Қосим Шайх ҳаёти давомида бошқа яссавия тариқати вакилларида фарқли ўларок, давлат ва жамият сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, Абдуллаҳон II нинг мамлакатни бирлаштириш ва марказлаштириш сиёсатини қўллаб-қувватлаган. У тарқоқ бекларни яраштириш, марказий ҳокимиятга бўйсундириш ишларида фаол иштирок этди. Абдуллаҳон II таклифи билан Қосим Шайх бир неча вақт Бухоро шаҳрида ҳам истиқомат қилган.

Қосим Шайх номи Бухорода ҳам машҳур бўлиб, кейинги асрларда Бухоро шаҳрида унинг номида гузар ва масжид бўлганлиги айрим архив ҳужжатларида келтирилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланган XIX асрга тегишли вақф ҳужжатларида Бухорода Қосим Шайх масжиди ва унга тегишли бўлган бир қанча ер-мулкларни Ҳазратнинг Бухорода истиқомат қилаётган авлодларига меросий вақф қилиб берилиши ҳамда улардан келадиган даромадларни Бухоро подшоси амир Музаффар буйруғи билан берилган вақф ҳужжатлари ҳам тасдиқлайди [18; 7 б]. 1871 йилда тузилган мазкур ҳужжатда Қосим Шайхнинг шу даврда Бухородаги авлодлари

саналган Мир Солих валад Мир Мўмин, Абдулғафур валад Абдурахмон Хўжа, мулло Хўжа Назар валад Абдуллоларга тегишли Ширбудун мавзесидаги вақфи авлодий (таноб) ерларининг чегаралари кўрсатилган.

Ҳазрат Қосим Шайх Азизоннинг муҳим хизматларидан бири шундаки, у Абдуллахон II нинг ҳокимиятни эгаллашида ҳамда Марказий Осиёда темурийлардан сўнг марказлашган улкан давлатнинг вужудга келишида муҳим роль ўйнади. Хусусан, Абдуллахоннинг ҳокимиятни эгаллашида Қосим Шайх уни қўллаб-қувватлади ва бу ишларда ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан кўмак бериб турди. Бу ҳақда «Ламаҳот» асари муаллифи қуйидагича келтиради: «Ҳазрат Азизон Қосим Шайх дедилар, – Тошкент ўзбекияси (Дашти Қипчоқ ўзбеклари назарда тутилган) Миёнколни хароб қилди. Бизга ғайрат бўлди ва подшоҳлик учун Абдуллахондан яхшироғини топмадик. Шу сабабдан бизда таважжухлар юзага келди ва уни хон қилиб кўтардик» [14; 169 б], – деб деб қайд этилган.

Қосим Шайх Азизоннинг 1578 йилда вабодан 80 ёшида вафот этганлиги тўғрисида тарихий манбаларда маълумотлар мавжуд. Хусусан, «Абдуллонома»да Қосим Шайх вабодан бутун юртни асраб қолиш учун фақат ўзи ва муридларигина шу касалikka йўлиқишини Аллоҳдан тилаган ва унинг тилаги ижобат бўлганлиги воқеасини ҳамда Қосим Шайхнинг вафоти тарихи қуйидагича тасвирланган: «Олам аҳлида бундай вабодан жирканч пайдо бўлгач, теварак-атрофдан кишилар келиб жаноза ўқидилар ва унинг жасадини ўзи қурган гумбазга дафн этдилар. Муқаддас ҳазрат дунёдан кўчиш вақтида исми зотни зикр қилиш билан машғул бўлдилар. Шу сабабли бахтиёр калам унинг кўчиш тарихини «зикру Аллоҳ» (الذكر للآل) – абжад ҳисобида хижрий 986, милодий 1578 йил) деб ёзади [19; 321 б].

XVI аср маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирган Қосим Шайх Азизоннинг бутун фаолияти эзгу ва хайрли ишларга қаратилган. Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II нинг ҳазрат Қосим Шайхга бўлган ихлоси юзасидан 1558 йилда Карманада хонақоҳ барпо этган. Қосим Шайх бу хонақоҳда карманаликларга тасаввуф илмидан сабоқ берган. Буни хонақоҳдаги талабаларнинг дарс қилиши ва ётиб-туриши учун қўллаб хужраларнинг мавжудлиги тасдиқлаб турибди. Хонақоҳ гумбазли масжид ҳамда ўнта бир-бирига туташ бўлган хужралар ва айвондан иборат. Қосим Шайх масжиди ва у кишининг қабри атрофидаги хужраларда Кармана мадрасалари талабалари ўз устозларидан сабоқ олганлигидан далолат беради. Хонақоҳ тахминан 10 йил ичида

қурилган. Унинг уч (шимол, жануб ва ғарб) томони кунгурадор қилиб безатилган қурилмадан иборат. Хонақоҳнинг эни ва бўйи 25 м ўлчамда бўлиб, ичида жами 6 та хона, ўртада катта намозхона, қибла тарафда меҳроб ўрнатилган. Хонақоҳнинг тўрт бурчагида тахминан 6х6 м ўлчамдаги ўнбурчак хужралар бор. Шарқ томонига қараб юрилса, 6х4 м ўлчамдаги чиллахонага кирилади. Бино ичида жами 5 та гумбаз бўлиб, ўртада ердан баландлиги 12 м бўлган катта гумбаз ва тўрт томонида ердан баландлиги 8 м бўлган оддий гумбазлар қад кўтариб турибди.

Қосим Шайхнинг шажараси, яъни фарзандлари ҳақидаги маълумотлар кам бўлиб, айрим ўлкашуносларнинг мақолаларида унинг бир ўғил, икки кизи бўлганлиги ва ўғлининг исми Ҳазрат Хожа Хурд бўлиб, Қосим Шайхнинг тариқатдаги фаолиятини давом эттирганлиги тўғрисидаги маълумотлар учрайди [20; 8 б]. Лекин «Ламаҳот» асарида келтирилган маълумотларга асосланадиган бўлсак, Хожа Хурд аслида Ҳазрат Шайх Худойдоднинг Биби Ҳадия исмли қизидан туғилган Хожа Абдулбосит деган ўғлининг фарзанди бўлиб, у Ҳазрат Қосим Шайхнинг муриди ҳисобланган. Кармана ва унинг атрофида Қосим Шайх авлоди ва унга мансублик ҳақида оғзаки баёнлар ҳам учрамайди. Юқорида айтиб ўтилган Қосим Шайхнинг Жўйбор хожаларидан Хожа Саъднинг ўғлига никоҳланган қизидан туғилган Хожа Юсуф (1593–1651)дан қолган авлодлар бугунги кунда Бухоро атрофларида яшамокда. Шунингдек, айрим оғзаки маълумотларга қараганда, Ҳазрат Қосим Шайх авлодлари бугунги кунда Тожикистон ҳудудида ҳам мавжуд деган қарашлар бор. Бу маълумотларнинг қанчалик илмий асосга эга эканлиги кейинги тадқиқотлар довомида аниқланиши мумкин. Шунингдек, аниқ манбаларда учрамаса-да, Бухоро хонлиги даврида Карманада яшаган табиб шайхлардан бири Темир Шайх тўғрисидаги ўлкашуносларнинг маълумотларида оғзаки ривоятларда уни Ҳазрат Қосим Шайхнинг укаси бўлганлиги тахмин қилинади. Темир Шайх эл ўртасида авлиёлиги ва шайхлигидан ташқари, зукко табиблиги билан ҳам ном чиқарган. Кармана атрофидаги аҳолини турли касалликлардан доволаганлиги тадқиқотчилар томонидан қайд этилган [21; 109 б].

Ҳазрат Қосим Шайх Азизоннинг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрни шундаки, у Абдуллахон II нинг ҳокимиятни эгаллашида ҳамда Марказий Осиёда темурийлардан сўнг марказлашган улкан давлатнинг вужудга келишида муҳим роль ўйнади. Шайх Худойдод Валий ҳамда Қосим Шайх Азизонларнинг ҳаёти ва фаолияти, илмий-маъ-

навий меросини ўрганиш яссавия тариқатининг ҳам назарий, ҳам амалий масалаларини ёритишда муҳим ўрин тутди.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўрта асрлар даври тарихи ва ижтимоий-маънавий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлган кўплаб тасаввуф алломалари бугунги Навоий вилояти ҳудудида ҳам яшаб фаолият юртишган. Хусусан, яссавия тариқати сир-асрорлари ва тасаввуф тарихига бағишланган асарларда бир қанча Карманагийларнинг номлари тилга олиниб, уларнинг бу ердаги фаолиятларига оид муҳим маълумотлар келтирилади. Бу эса бугунги кунларимизда ҳам халқимиз орасида сақланиб қолган қадимий Кармана ва унинг атрофлари билан боғлиқ азиз авлиёлар ва муқаддас қадамжолар тўғрисидаги афсона ва ривоятларнинг тагида айна ҳақиқат борлигидан далолат беради. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қадимий Кармана ва Миёнқол атрофларида яссавия ва нақшбандия тариқатларига тааллуқли жойлар, тушунча ва номлар сақланиб қолганки, буни юқорида номлари келтирилган алломалар фаолияти билан боғлиқ мисолларда айтиб ўтилди. Бу жой номлари, тариқат пирлари ва шогирдлари Кармана ва атрофларида ўзига хос яссавийлик ва нақшбандийлик мактабини ташкил қилишганлигидан далолат беради. Бугунги кунда эса ушбу алломалар ҳаёт-фаолиятлари ва уларнинг маънавий меросларини ўрганиш, таҳлил қилиш Ўзбекистон тарихи фанидаги муҳим масалалардан биридир.

ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Abul Muhsin Muhammad Boqir ibn Muhammad Ali. Maqomati Xoja Bahouddin Naqshband. –T.: Yozuvchi, 1993.
2. Abu Tohirxoja. Samariya. Fors tilidan Sh.Vohidov, B.Aminov tarjimas. T.: Yangi asr avlodi, 2009.
3. Boboxonov Sh. Z., Mansur A. Naqshbandiya tariqatiga oid qo'lyozmalar fixristi.- T.: Fan, 1993.
4. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – T.: O'zbekiston, 2017.
5. Muhammad Nasriddin Al-Hanafi Al-Hasani, Al-Buxori. Tuhfat az-zoirin. Perevod, predisloviye, kommentarii-X. To'rayeva. Tashkent-2003.
6. Muhammad Tohir Eshon. Tazkirai Tohir Eshon. O'zRFA Sharq qo'lyozmalar Markazi. Inv. № 69.
7. Sadriddin Salim Buxoriy. Ikki yuz yetmish yetti pir. Buxoro, 2006.
8. Sattorova G. Badr ota – tariqat ilmining namoyandasi. / Hojagon tariqati va Abduxoliq G'ijduvoniyning ma'naviyat tarixidagi o'rni. Ilmiy-nazariy konferensiya materiallari. Navoiy, 2003.
9. Faxruddin Ali Safiy. Rashahotu aynil-hayot. (عائین الحیات / راشحات). /Fors tilidan Xudoybergan ibn Bekmuhammad tarjimas. –T.: Abu Ali ibn Sino nashriyoti, 2004.
10. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning «Abduxoliq G'ijduvoniyy tavalludining 915 yilligini va Bahouddin Naqshband tavalludining 700 yilligini nishonlashga tayyorgarlik ko'rish hamda uni o'tkazish to'g'risida» gi PF-4988-son Farmoyishi. www.lex.uz
11. Qandaharov A. Buxoro xonligi va unda karmanalik shayxlar faoliyati.T.: Tafakkur qanoti, 2018.
12. Zapiskin B.N. Arxitektura Sredney Azii. T. 1948.; Pugachenkova G.A. Sotsialistik mamlakatlar yodgorliklari. T. 1956.; Nilsen V.A. Monumentalnaya arxitektura buxarskogo oazisa XI–XII v.v.t. 1956.; Shishkin V.A. Arxitekturnie pamyatniki Buxari. T. 1936.
13. Jurgen Paul. Doctrine and Organization: The Khwajagan Naqshbandiya in the first generation after Bahauddin. Berlin.1998.
14. Muhammad Olim Shayx Azizon. Lamahot. Yassaviya tariqati pirlari maqomoti / Forschadan K. Kattayev., A.Narzullayevlar tarjimas. – Samarqand, 2007
15. Salohiddin Toshkandiy. Temurnoma. – Toshkent: Cho'lpon, 1991.
16. Rahmonov A. Avlodlar manzili. – Karmana, 1996.
17. Sharafuddin Roqimiy. Tarixi tomm. – Toshkent: Ma'naviyat, 1998.
18. O'zR MDA. Fond.I-323, inv. №1200. Ro'yxat №1.
19. Hofiz Tanish Buxoriy. Abdullanoma. Birinchi kitob. T.: Sharq, 1999.
20. Mustafoyev S. Qosim Shayx avlodlari // Do'stlik bayrog'i.–2014.– №36.
21. Hotamov A., Bekniyozov N. Karmana – qadimiy diyor. – Toshkent: O'zbekiston, 2007.

